

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ**

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ**

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ  
СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ**

**2017 ЙИЛ  
ЯНВАРЬ-ДЕКАБРЬ**

**Гулистон – 2018**



## СЎЗ БОШИ

Сирдарё вилоятининг статистик ахборотномаси Вилоятнинг ижтимоий–иқтисодий ривожланиши, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар ҳолатини комплекс тавсифловчи Вилоят статистика бошқармасининг чорақлик нашри ҳисобланади. Статистик ахборотномада 2017 йил январь-декабрь ойлари якунлари бўйича Сирдарё вилоятининг асосий статистик кўрсаткичлари чоп этилган.

Ушбу нашрда 2017 йилнинг I чорагидан бошлаб, ҳисобот даври учун статистик кўрсаткичлар Европа ҳамжамиятининг Иқтисодий фаолият турлари статистик таснифлагичига (NACE Rev.2) асосланган Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (ИФУТ–2) бўйича шакллантирилган ва тақдим этилган.

Шу билан бирга, мавжуд иқтисодий фаолият турларидан фойдаланишда ИФУТ–2 талаблари қўлланилган. Хусусан, фойдаланилаётган ёки қайта ишланаётган маҳсулотларни уларнинг янги турларига қайта шакллантиришга йўналтирилган барча фаолият турлари ишлаб чиқариш жараёнларига киритилган: тоғ–кон саноати ва очик конларни ишлаш, қайта ишлаб чиқаришсаноати, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, сув таъминоти, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш, қурилиш (таснифлагичнинг В,С,D,E,F секциялари). Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини, иқтисодиёт тармоғи сифатида талқин қилишдаги тафовутни бартараф этиш мақсадида, янгиланган таснифлагичда қишлоқ хўжалиги фақатгина дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўз ичига олмай, балки ўрмон ва балиқ хўжаликлари маҳсулотларини ҳам ўз ичига олади (Секция А “Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги”).

Шунингдек, халқаро статистика амалиётига мувофиқ, иқтисодий трендларни янада аниқроқ таҳлил қилиш мақсадида, Ялпи ҳудудий маҳсулот тузилмасидаги иқтисодий фаолият турларининг улуш кўрсаткичлари ялпи қўшилган қийматга нисбатан келтирилган (яъни, ЯХМ ҳажмидан маҳсулотларга солиқлар ва субсидиялар чиқариб ташланган).

Нашр 12 та тематик қисмлардан ташкил топган бўлиб, у асосий макроиқтисодий индикаторларни, шунингдек ялпи ҳудудий маҳсулотни ишлаб чиқариш, корхоналар ва ташкилотлар, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолияти, инвестицион фаоллик, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, саноат, қурилиш, бозор хизматларининг ривожланиш динамикаси тўғрисидаги статистика маълумотларини ўз ичига олади.

Статистик ахборотномада саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт, ички ва ташқи савдо, улгуржи ва чакана савдо, нарх, меҳнат бозори ва демографик ҳолат тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар кенг ёритилган.

## Қисқартма ва шартли белгилар

ЯҲМ	—	ялпи ички маҳсулот	л.	—	литр
%.	—	фоиз	0,0	—	катта бўлмаган миқдор
млрд.	—	миллиард	м.	—	марта
млн.	—	миллион	—	—	кўрсаткичнинг йўқлиги
млн.АҚШ долл.	—	миллион АҚШ доллари	га.	—	гектар
кв.	—	квадрат	тн.	—	тонна
км.	—	километр	1) , 2) , 3) , .....	—	изоҳнинг мавжудлиги
м.	—	метр			



## МУНДАРИЖА

Номи	бет.
<b>Асосий иқтисодий кўрсаткичлар</b>	<b>7</b>
<b>I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ</b>	<b>8–9</b>
Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби	8–9
Ялпи ҳудудий маҳсулот	9
<b>II. САНОАТ</b>	<b>10–14</b>
Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш	10–12
Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркиби	12
Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулоти турларини ишлаб чиқариш	13-14
<b>III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ</b>	<b>15-20</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот(хизмат)ларининг ҳажмлари	15
Деҳқончилик	16-17
Чорвачилик	18-20
<b>IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ</b>	<b>21–28</b>
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	21–24
Асосий капиталга киритилган хорижий инвестициялар	24–25
Ижтимоий соҳа объектларини қуриш	26-27
Қурилиш фаолияти	27-28
<b>V. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК</b>	<b>29–30</b>
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг асосий кўрсаткичлари	29–30
<b>VI. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ</b>	<b>31–35</b>
Корхоналар ва ташкилотлар сони	31–33
Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар	33-35

Номи	бет.
<b>VII. ХИЗМАТЛАР</b>	<b>36–37</b>
Иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматлари ишлаб чиқариш	36–37
Хизматлар таркиби	37
<b>VIII. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА</b>	<b>38–39</b>
Юк ташиш	38
Йўловчи ташиш	38–39
<b>IX. ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ</b>	<b>40–42</b>
Чакана савдо товар айланмаси кўрсаткичлари	40
Чакана савдо товар айланмаси таркиби	40
Чакана савдо товар айланмаси улуши	41–42
<b>X. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ</b>	<b>43–48</b>
Ташқи савдо айланмаси кўрсаткичлари	43–44
Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича тақсимланиши	44–45
Товар айланмасида нисбатан катта улушга эга бўлган давлатлар билан ташқи савдо айланмаси	45–46
Экспорт ва импорт таркиби	47–48
<b>XI. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ</b>	<b>49–53</b>
Доимий аҳоли сони тўғрисидаги кўрсаткичлар	49
Аҳолининг табиий ҳаракати коэффицентлари	50
Туғилиш	50
Ўлим	51
Никоҳлар ва ажралишлар	51–52
Миграция	53
<b>XII. БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ БОЗОРИ</b>	<b>54–56</b>
Бандлик ва меҳнат	54–56

**Асосий иқтисодий кўрсаткичлар  
2017 йил январь-декабрь**

	млрд. сўм	2016 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
Ялпи ҳудудий маҳсулот	5066,4	97,7
Саноат маҳсулоти	3404,9	86,9/85,0 <sup>1)</sup>
Истеъмол товарлари	1175,6	75,9
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2902,3	102,3
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	1324,4	101,5
Қурилиш ишлари	526,5	95,1
Юк айланмаси (млн. тн-км)	212,1	102,4
Йўловчи айланмаси (млн. йўловчи-км)	2225,3	103,3
Чакана товар айланмаси	1859,6	102,2
Хизматлар, жами	1581,0	106,0
Ташқи савдо айланмаси (млн. АҚШ долл.)	287,2	114,8
Экспорт	144,3	126,6
Импорт	142,9	104,9
Сальдо (+;-)	1,3	x

<sup>1)</sup> энергетика корхоналарисиз.



## I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-декабрида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯХМ) ҳажми жорий нархларда 5066,4 млрд. сўмни ташкил этди. ЯХМнинг ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 97,7 фоизни ташкил этди.

2017 йил январь-декабрь ойларида ЯХМ дефлятор индекси 118,5 фоизни ташкил қилди.

Иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯХМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, кишлок, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 102,3 фоиз, (ЯХМ таркибидаги улуши – 36,9 фоиз), саноат – 84,6 фоиз (24,7 фоиз), қурилиш – 95,1 фоиз (4,9 фоиз), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 103,6 фоиз (8,1 фоиз), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 104,4 фоиз (6,0 фоиз) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 106,6 фоиз (19,4 фоиз) ни ташкил қилди.

### Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби (январь–декабрь ҳолатига, жамига нисбатан фоизда)



- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Ялпи қўшилган қиймат
- Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

2017 йилнинг январь–декабрда ЯХМ таркибида хизматлар соҳасининг улуши 33,5 фоизни ташкил қилди, бу эса 2016 йилнинг январь–декабрига нисбатан 1,0 пунктга кўпдир (32,5 фоиз). Жумладан, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари 0,2 пунктга камайди ва ҳисобот даврида 6,0 фоизни ташкил қилди. Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар улуши 0,5 пунктга ошди ва 8,1 фоизни ташкил қилди, хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар улуши 2016 йил январь–декабрдаги 18,7 фоиздан 2017 йил январь–декабрда 19,4 фоизга ошди.

**Ялпи ҳудудий маҳсулот**  
(2017 йил январь–декабрь ҳолатига)

	млрд.сўм		2016 йил январь–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
	2016 йил	2017 йил	
<b>I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами</b>	<b>4377,2</b>	<b>5066,4</b>	<b>97,7</b>
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	4207,2	4822,6	97,7
Маҳсулотларга соф солиқлар	170,0	243,8	97,4
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>4207,2</b>	<b>4822,6</b>	<b>97,7</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1366,0	1778,3	102,3
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	1472,4	1426,5	86,3
саноат	1230,7	1191,1	84,6
қурилиш	241,7	235,4	95,1
Хизматлар	1368,8	1617,8	105,5
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	319,6	388,7	103,6
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	261,7	287,3	104,4
бошқа хизматлари	787,4	941,7	106,6

ЯХМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 67,3 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2016 йил январь–декабрига нисбатан 0,8 фоизли бандга ошди.


## II. САНОАТ

2017 йил январь-декабрида саноат маҳсулоти ҳажми 3404,9 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 86,9 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида 1175,6 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2016 йил январь-декабрига нисбатан 75,9 фоизни ташкил этди. Жумладан, 675,1 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, ароқ-вино маҳсулотлари ва пиво, 500,5 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2016 йил январь-декабрига нисбатан мос равишда 68,8 фоиз ва 88,4 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2017 йилнинг январь-декабрь ойларида 45,6 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.

### Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



■ Тоғ- кон саноати ва очик конларни ишлаш

■ Ишлаб чиқарадиган саноат

■ Электр, газ, буғ билан таъминлаш  
ва ҳавони кондициялаш

■ Сув билан таъминлаш; канализация тизими,  
чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш

Хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширилиши, кичик бизнес томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2016 йилнинг январ-декабрь ойларига нисбатан 2,4 фоизга ошишини таъминлади. Агарда жами саноатда кичик бизнеснинг улуши 47,4 ташкил этган бўлса, қайта ишлаш саноатида унинг улуши 43,7 фоизни ташкил этди.


**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат  
маҳсулотларини ишлаб чиқариш  
(2017 йилнинг январь-декабрь ҳолатига)**

	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
<b>Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми</b>	<b>3404,9</b>	<b>86,9</b>
<b>Тоғ- кон саноати ва очик конларни ишлаш</b>	<b>10,5</b>	<b>123,9</b>
<i>улардан:</i>		
Тоғ- кон саноатининг бошқа турлари	10,5	123,9
<b>Қайта ишлаш саноати</b>	<b>2076,8</b>	<b>93,7</b>
<i>ундан:</i>		
Озиқ- овқат маҳсулотлари, ичимликлар, тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	732,5	75,6
Тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	935,8	105,1
Ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлари, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, мебеллар ишлаб чиқариш	29,2	160,0
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	0,1	96,6
Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	26,2	117,5
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	95,5	81,2
Бошқа нometалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	180,5	113,7
Металлургия саноати	4,8	104,4
Машина ва ускуналардан ташкари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	14,1	112,5

	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
Бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш	45,8	94,5
Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш ҳамда машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш, тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	12,4	104,7
<b>Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш</b>	<b>1292,8</b>	<b>90,5</b>
<b>Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш</b>	<b>24,8</b>	<b>137,1</b>
<b>Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш</b>	<b>1175,6</b>	<b>75,9</b>
<i>шу жумладан:</i>		
озик-овқат товарлари	675,1	66,9
ноозик-овқат товарлари	500,5	84,8

### Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркиби

(жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан, фоизда)





**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулоти  
турларини ишлаб чиқариш (йирик корхоналар бўйича)**


	Ўлчов бирлиги	2017 йил январь- декабрь	2016 й январь- декабрга нисбатан %
<b>Ишлаб чиқарадиган саноат</b>			
Қуйиш учун тайёр бетон	тн	156	6,5
Қурилиш учун коришмалар ва аралашмалар	тн	96	20,0
Йўл қопламалари учун асфальтли аралашмалар	минг тн	64,3	121,5
Кўндаланг кесимининг диаметри 3 мм дан кам бўлмаган, ячейкалари 100 кв.см дан кам бўлмаган темир ёки пўлат симдан цементлаш ва суваш учун ишлатиладиган қоғоз массаси қўшиб, кесишган жойлари пайвандланган панжаралар, тўрлар ва тўсиқлар	тн	91,2	78,6
Чигитдан олинган кунжара ва бошқа қаттиқ чиқиндилар	минг тн	50,6	110,9
Соапстоклар (нейтраллаш жараёни маҳсулоти)	тн	1181	105,4
Дон экинларини қайта ишлашдан ҳосил бўлган кепак, чигит ва бошқа чиқиндилар	минг тн	11,1	110,4
Йирик шохли қорамоллар учун тайёр озуқа (кўп компонентли аралашмалардан ташқари)	минг тн	25,3	80,4
Чакана савдо учун қадоқланмаган пахтадан йиғирилган бир қаватли ип	минг тн	4,8	116,4
Ёғоч целлюлозаси ва бошқа толали материаллардан олинган целлюлоза	кг 90% с.в.	1517520	267,6

	Ўлчов бирлиги	2017 йил январь- декабрь	2016 й январь- декабрьга нисбатан %
Бошқа гуруҳларга киритилмаган бўлак, брусок ва шу каби шакллардаги совун ва юзаки актив органик моддалар	тн	1491,8	117,7
Чакана савдо учун қадокланган, таркибида бошқа антибиотиклар бўлган медикаментлар	тн	4,2	29,8
Чакана савдо учун қадокланган, фармацевтик моддалар билан қопланган ёки шимдирилган пахта, бинт ва шу каби материаллар	тн	557,3	75,5
Арок	минг л 100% спирт	1331,6	100,0
Юмшоқ буғдой ва спельта уни	минг тн	34,9	112,0
Макарон маҳсулотлари ва шу каби хамирдан тайёрланган маҳсулотлар	тн	150	45,5
Биринчи навли ундан тайёрланган буғдой нони, оғирлиги 600 г (буханка)	тн	644,3	59,1
Тозаланган пахта ёғи ва унинг фракциялари	минг тн	10,9	111,7
Пахта толаси	минг тн	56,4	83,9
Пахта чигити	минг тн	90,4	93,4
Пахта тивити (линт)	минг тн	5,4	82,0
<b>Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш</b>			
Иссиқлик электр марказлари (ИЭМ) ишлаб чиқарган электр энергияси	млн.кВт/с	12704,1	89,9
Буғ ва иссиқ сув (иссиқлик энергияси)	минг Гкал.	172,4	84,7

### III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ


2017 йилнинг январь-декабрида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 2902,3 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 102,3 фоизни, шу жумладан, Деҳқончиликда 2025,7 млрд. сўм ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 100,8 фоизни, чорвачиликда 792,7 млрд. сўм ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 103,7 фоизни, балиқчилик хўжаликларида, 33,4 млрд. сўм ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 169,6 фоизни, овчилик хўжаликларида 0,3 млрд. сўм ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 100,3 фоизни, ўрмончилик хўжалигида 3,0 млрд. сўм ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 96,7 фоизни, ва бу соҳаларда қишлоқ хўжалигига кўрсатилган хизматлар ҳажми 47,2 млрд.сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 101,6 фоизни ташкил қилди.

#### 2017 йилнинг январь-декабрида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматлар)нинг ҳажми



Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таркибий тузилишида энг юқори улуш деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келади (умумий ҳажмга нисбатан 55,0 фоиз) фермер хўжаликларида (умумий ҳажмга нисбатан 40,7 фоиз) қишлоқ хўжалигини амалга оширувчи ташкилотларда эса (умумий ҳажмга нисбатан 4,3 фоиз).

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжаликлар  
тоифалари бўйича тақсимланиши**  
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



**Деҳқончилик.** 2017 йилнинг январь-декабрида ишлаб чиқарилган деҳқончилик маҳсулотларининг ҳажми 2025,7 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 100,8 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 69,8 фозни ташкил қилди.


**Ҳосилни йиғиб олиш.** 2017 йил январь-декабрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 596075 тонна жами ғалла (99,2 фоизга) етиштирилди, 507176 тонна бошоқли дон (99,6 фоизга), 501385 тонна буғдой (99,9 фоизга), 58296 тонна картошка (103,6 фоизга), 299383 тонна сабзавот (94,2 фоизга), 366048 тонна полиз (107,0 фоизга), 42905 тонна мева (95,6 фоизга), 14459 тонна узум (89,2 фоизга) етиштирилди.

**2017 йилнинг январь-декабрида хўжалик тоифалари бўйича  
асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**


	Фермер хўжаликлари		Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	
	минг тонна	ўсиш суръати, фоизда	минг тонна	ўсиш суръати, фоизда	минг тонна	ўсиш суръати, фоизда
Дон	529,2	99,1	51,4	99,5	15,4	101,2
Картошка	8,1	100,6	49,0	104,3	1,2	100,5
Сабзавотлар	61,0	95,3	234,2	93,7	4,2	106,1
Полиз	197,9	106,6	149,2	107,9	19,0	104,4
Мевалар ва резаворлар	15,5	88,0	26,5	100,2	0,9	107,9
Узум	3,0	51,0	10,7	111,1	0,8	103,8

**2017 йилнинг январь-декабрида ҳудудлар кесимида асосий  
турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

**Дон (тонна)**




**Картошка (тонна)**




**Сабзавотлар (тонна)**



**Полиз (тонна)**



**Мевалар ва резаворлар (тонна)**



**Ўзум (тонна)**



**Чорвачилик.** Келгусида чорвачилик соҳасининг имкониятларини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилиши ҳамда давлат томонидан кўрсатилаётган тизимли қўллаб-қувватлашлар натижасида қорамоллар бош сонининг ўсишига, ички истеъмол бозорларининг чорвачилик маҳсулотлари билан тўйинишига имкон яратди.

2017 йилнинг январь-декабрида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 792,7 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 103,7 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 27,3 фозни ташкил этди.

2018 йилнинг 1 январь ҳолатига йирик шохли қорамоллар бош сони 417,1 минг бошга (1,1 фоизга), шу жумладан сигирлар 161,3 минг бошга (24,1 фоизга), қўй ва эчкилар 319,2 минг бошга (8,8 фоизга), паррандалар 2295,1 минг бошга (18,5 фоизга) кўпайди.

**2018 йил 1 январь ҳолатига хўжалик тифлари бўйича  
чорва моллари ва паррандалар бош сони**

	Фермер хўжаликлари		Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи	
	минг бош	ўсиш суръати, фоизда	минг бош	ўсиш суръати, фоизда	минг бош	ўсиш суръати, фоизда
Йирик шохли қорамоллар	26,8	92,4	382,6	101,1	7,7	148,1
шу жумладан: сигирлар	7,6	96,2	151,2	125,8	2,5	132,4
Қўйлар ва эчкилар	26,4	92,6	288,9	110,8	3,9	92,9
Паррандалар	296,0	83,6	1328,7	104,0	670,4	219,9

Умумий бош сонга нисбатан деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 91,7 фоизни, фермер хўжаликларида – 6,4 фоизни ташкил этди, деҳқон хўжаликларида сигирлар мос равишда – 93,7 фоизни, фермер хўжаликларида 4,7 фоизни, деҳқон хўжаликларида қўйлар ва эчкилар мос равишда – 90,5 фоизни, фермер хўжаликларида 8,3 фоизни, деҳқон хўжаликларида паррандалар мос равишда – 57,9 фоизни, фермер хўжаликларида эса 12,9 фоизни ташкил қилди.

**2018 йил 1 январь ҳолатига ҳудудлар кесимида  
чорва моллари ва паррандалар бош сони**


**Йирик шохли қорамоллар (бош)**




**шу жумладан сигирлар (бош)**



**Қўйлар ва эчкилар (бош)**



**Паррандалар (минг бош)**




2017 йилнинг январь-декабрида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазнда 63,6 минг тонна гўшт (2016 йилнинг январь-декабрига нисбатан 5,3 фоизга кўп), 325,8 минг тонна сут (2,2 фоиз), 159,3 млн. дона тухум (9,1 фоиз), 0,8 минг тонна жун (7,0 фоиз) ишлаб чиқарилди.

**2017 йилнинг январь-декабрида хўжалик тоифалари бўйича  
асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

	Фермер хўжаликлари		Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташилотлар	
	Миқдори	ўсиш суръати, фоизда	Миқдори	ўсиш суръати, фоизда	Миқдори	ўсиш суръати, фоизда
Гўшт, тирик вазнда, тонна	1632	102,3	61547	105,4	387	108,7
Сут, тонна	13033	90,0	303342	102,1	9439	131,8
Тухум, минг. дона	12158	92,1	110681	111,9	36471	107,6
Жун, тонна	113	104,6	623	107,6	27	103,8

**2017 йилнинг январь-декабрида ҳудудлар кесимида асосий турдаги  
чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**





#### IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2017 йил январь–декабрида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми миллий валютада 1324,4 млрд. сўмни (АҚШ доллари эквивалентидаги ҳажми – 0,3 миллиард АҚШ долларини) ёки 2016 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 101,5 фоизни ташкил қилди.

##### Молиялаштириш манбалари ва мулкчилик шакллари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши (2017 йил январь–декабрда)


(яқунга нисбатан фоиз ҳисобида)

	Жами	Шу жумладан: мулкчилик шакллари бўйича	
		давлат	Нодавлат
<b>Жами инвестициялар, млрд.сўм</b>	<b>1324,4</b>	<b>470,5</b>	<b>853,9</b>
шу жумладан:			
молиялаштириш манбалари бўйича			
давлат бюджети маблағлари	287,3	95,1	4,9
давлат мақсадли жамғармалари маблағлари	113,8	97,1	2,9
корхоналар ва аҳоли маблағлари	502,3	88,8	11,2
чет эл инвестициялари ва кредитлари	76,1	23,2	76,8
банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	333,8	0,4	99,6
Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари	-	-	-
Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари	11,1	100	-

Давлат бюджетидан ажратилган инвестициялар ижтимоий соҳани ва ҳаётий таъминот тизимини қўллаб қувватлашга, Вилоят инфраструктурасини ривожлантиришга қаратилган манзилли инвестиция дастурларини амалга ошириш учун йўналтирилган.

**2017 йил январь–декабрь ҳолатига алоҳида иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар таркиби**

(фоизда)



**Иқтисодий фаолият турлари бўйича  
асосий капиталга киритилган инвестициялар**

(млрд.сўм)

	Январь–декабрь			
	2016 й.	Умумий ҳажмга нисбатан фоизда	2017 й.	Умумий ҳажмга нисбатан фоизда
<b>Жами</b>	<b>1229,7</b>	<b>100,0</b>	<b>1324,4</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан: иқтисодий фаолият турлари бўйича</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	338,8	27,5	294,6	22,2
тоғ–кон саноати	1,2	0,1	2,2	0,2
ишлаб чиқариш саноати	272,4	22,1	321,7	24,3
электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	47,5	3,9	15,8	1,2
сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	50,7	4,1	48,2	3,6
қурилиш	19,3	1,6	81,4	6,1
улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	48,1	3,9	70,9	5,4
ташиш ва сақлаш	52,8	4,3	65,0	4,9
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	7,4	0,6	8,5	0,6
ахборот ва алоқа	7,0	0,6	19,3	1,5
молиявий ва суғурта фаолияти	7,1	0,6	14,5	1,1
профессионал, илмий ва техник фаолият	59,9	4,9	25,0	1,9
таълим	28,5	2,3	41,7	3,1
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	38,4	3,1	52,8	4,0
турар – жой бинолари қурилишига инвестициялар	199,6	16,2	206,0	15,6
санъат, кўнғил очиш ва дам олиш	16,9	1,4	24,4	1,8
бошқа фаолият турлари	34,1	2,8	32,4	2,5

Иқтисодий фаолият турлари бўйича қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида- 294,6 млрд.сўм (жами инвестициялар ҳажмида 22,2 фоиз), тоғ-кон саноатида – 2,2 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмида 0,2 фоиз), ишлаб чиқариш саноатида – 321,7 млрд. сўм, (24,3 фоиз) шундан озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари– 17,4 млрд. сўм (1,3 фоиз), тўқимачилик маҳсулотлари ва кийим – 30,7 млрд. сўм (2,3 фоиз), кимё маҳсулотлари – 7,0 млрд. сўм (0,5 фоиз), неметалл минерал маҳсулотлар – 138,0 млрд. сўм (10,4 фоиз), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш – 15,8 млрд. сўм (1,2 фоиз), қурилиш – 81,4 млрд. сўм (6,1 фоиз), ташиш ва сақлаш – 65,0 млрд. сўм (4,9 фоиз), улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш – 70,9 млрд. сўм (5,4 фоиз), ахборот ва алоқа – 19,3 млрд. сўм (1,5 фоиз), профессионал, илмий ва техник фаолият – 25,0 млрд.сўм (1,9 фоиз), таълим – 41,7 млрд. сўм (3,1 фоиз), бошқа иқтисодий фаолият турларидан ташқари: турар жой бинолари қурилишига – 32,4 млрд. сўмлик (2,5 фоиз) инвестициялар ўзлаштирилди.

### Асосий капиталга киритилган хорижий инвестициялар

2017 йил январь–декабрида асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг умумий ҳажми 76,1 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг мос даврига нисбатан 70,1 фоизни ташкил қилди.

### Асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг таркиби (2017 йилнинг январь–декабрида)

	Млрд. Сўм	Умумий ҳажмга нисбатан фоизда	
		давлат кафолати остида	тўғридан-тўғри ва бошқалар

Жами асосий капиталга  
киритилган хорижий  
инвестиция ва кредитлар

**76,1**

**23,3**

**76,7**

*шу жумладан:*

давлат	17,7	100	-
нодавлат	58,4	-	100

Ҳисобот даврида вилоят бўйича тўғридан – тўғри хорижий инвестиция ва кредитларнинг, жами хорижий инвестиция ва кредитлардаги нодавлат секторига киритилган улуши 100,0 фоизни ташкил қилди.

**Хорижий инвестиция ва кредитларнинг  
алоҳида иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши**  
(фоизда)



Хорижий инвестиция ва кредитларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича салмоқли қисмининг ўзлаштирилиши ишлаб чиқариш саноати тўғри келиб, жами инвестиция хажмида – 53,8 фоизни ташкил қилди ва 2016 йилнинг январь–декабрига нисбатан 4,7 фоизга ўсган, ахборот ва алоқада – 23,0 фоизни (17,5 фоизга) мос равишда, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда – 20,0 фоизни (12,3 фоизга) ташкил қилди.

Шу билан бирга қуйидаги иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий инвестиция ва кредитларнинг ўзлаштирилиши камайганлиги кузатилди: қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги (17,7 фоизга), сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш (16,6 фоизга).

### Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

Уй–жой қурилишида 204,3 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди ёки жами инвестициялар ҳажмининг 15,4 фоизни ташкил қилди.

#### 2017 йилнинг январь–декабрида янги қурилиш ва реконструкция ҳисобидан фойдаланишга топширилган турар–жой ва ижтимоий соҳа объектлари

	Барча манбалар ҳисобидан			
	Фойдаланишга топширилди		2016 йил январь–декабрига нисбатан фоизда	
	жами	шу жумладан қишлоқ жойларда	жами	шу жумладан қишлоқ жойларда
Уй–жой, умумий майдони <i>минг.кв.м</i>	163,8	128,2	86,4	88,1
ундан:				
якка тартибдаги уй–жойлар	63,3	44,6	60,8	61,8
якка тартибдаги уй–жойлар намунавий лойиҳалар бўйича шаҳар ва қишлоқ жойларда	87,0	83,6	119,6	115,0
Касалхоналар, <i>ётоқ ўрни</i>	20	-	6,8	-
Поликлиникалар (ҚВПларни қўшган холда), <i>таширфлар сони</i>	-	-	-	-
Умумий таълим ва махсус мактаблар, <i>ўқувчилар сони</i>	3069	1354	2,4м.к	3,0м.к
Сув тармоқлари, <i>км</i>	67,4	64,1	111,6	114,5
Газ тармоқлари, <i>км</i>	0,9	0,9	90,0	90,0

2017 йил январь–декабрида умумий майдони 163,8 минг кв.м. бўлган 1,3 мингта уй ёки 1,8 мингта квартира (2016 йилнинг январь–декабрига нисбатан 86,4 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 128,2 минг кв.м. (88,1 фоиз) уй–жой фойдаланишга топширилди.

Коммунал қурилишда 67,4 км сув тармоқлари (64,1 км қишлоқ жойларда) ва 0,9 км газ тармоқлари (0,9 км қишлоқ жойларда) ишга туширилиб, мос равишда 2016 йил январь–декабрига нисбатан 111,6 ва 90,0 фоизни, қишлоқ жойларда эса бу кўрсаткич сув тармоқлари 114,5 фоизни, газ тармоқлари 90,0 фоизни ташкил қилди.

Касалхоналар, поликлиника ва кишлоқ врачлик пунктлари капитал реконструкция ҳисобига 15,7 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди ва бу соғлиқни сақлаш соҳасида ўзлаштирилган инвестицияларнинг 29,8 фоизини ташкил қилди. Шу билан бирга 20 ўринга мўлжалланган тиббиёт бирлашмаси капитал реконструкция қилинди.

Болалар спорти объектларини қуриш ва капитал реконструкция ҳисобига 11,1 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди ва бу соғлиқни сақлаш соҳасида ўзлаштирилган инвестицияларнинг 21,1 фоизини ташкил қилди.

Олий таълим муассасаси капитал реконструкция ҳисобига 18,4 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди ва бу таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 44,1 фоизини ташкил қилди ва 2500 ўқувчи ўрнига мўлжалланган олий таълим муассасаси капитал реконструкция қилинди.

Касб–ҳунар коллежларини капитал реконструкция ҳисобига 1,9 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди ва бу таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 4,6 фоизини ташкил қилди.

Таълим жараёнини янада такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора–тадбирлар доирасида умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар, мактабгача таълим муассаларини қуриш ва капитал реконструкция ҳисобига 15,1 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди ёки таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 36,2 фоизини ташкил қилди.

Шунингдек, 315 ўқувчи ўринга мўлжалланган 1та янги қурилиш, 2754 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 5 та умумтаълим мактаб, 420 болалар ўрнига мўлжалланган 5 та мактабгача таълим муассасалари капитал реконструкция қилинди.

Сув тармоқлари қурилишига 32,1 млрд. сўм, шундан давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 12,5 млрд. сўм (умумий ҳажмнинг (38,9 фоизи), чет эл инвестициялари ва кредитлари ҳисобидан 2,0 млрд. сўм (6,4 фоизи), ҳомий маблағлари ҳисобидан 0,8 млрд. сўм (2,4 фоизи), маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 16,8 млрд. сўм (52,3 фоизи) ўзлаштирилди.

Газ тармоқлари қурилишига 0,05 млрд. сўм, шундан аҳоли маблағлари ҳисобидан 0,05 млрд. сўм (умумий ҳажмнинг 100,0 фоизи) ҳисобидан ўзлаштирилди.

### Қурилиш фаолияти

2017 йил январь–декабрида 526,5 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 2016 йилнинг январь–декабрига нисбатан 95,1 фоизни ташкил этди.

#### Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ишлари таркиби

	январь–декабрь	
	2016 й.	2017 й.
<b>Қурилиш ишлари, млрд. сўм</b>	<b>540,7</b>	<b>526,5</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Давлат	52,7	64,1
Нодавлат	488,0	462,4

Мулкчиликнинг нодавлат шаклидаги қурилиш ташкилотлари томонидан 462,4 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилган бўлиб, жами қурилиш ишлари ҳажмининг 87,8 фоизини ташкил қилди.

**Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимои**  
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)




